Ўзбекистон худудида кадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари бахамжихат истикома т килиб к елади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмаганлиги халкимизнинг азалий багрикенглигини кўрсатади.

Халкимиз хаётида миллатлараро багрикенглик чукур тарихий илдизларга эга. Миллий, маданий хайрихохлик ўзбек халкининг ўзига хос фазилатига айланган. Багрикенглик гояларини карор топтириш ўта мухим тамойил бўлиб, бугунги куннинг долзарб масаласи

бўлиб колмокда.

1995 йил 16 ноябрда кабул килинган багрикенглик тамойиллари Декларациясида шунда й дей илган: “XXI аср бўсагасида Ўзбекистоннинг киёфасини тинчлик ва осойишталик, сиёсий баркарорлик ва миллатлараро тотувлик, диний хамда мафкуравий багрикенглик, маданиятларнинг уйгунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият хаётида тенглик асосида иштирок этишини белгилайди. Инсон хукуклари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат

манфаатларига, халкимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва рухиятига тўла мос келади” [1] .

Бугунги кунда кўпмиллатли мамлакат хисобланган Ўзбекистонимизда ўзбеклар билан бирга 137 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ахил ва инок яшайди ва бу муборак заминни ўз Ватани деб билади. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов томонидан айтилган “Бу азиз Ватан – барчамизники”

деган гоя тили, дини ва миллатидан катъий назар барча юртдошларимизнинг орзу-интилишларини ифодалайди. Чунки барчамизнинг бахт-саодатимиз мана шу Ватаннинг тинчлиги, озод ва ободлиги, миллий равнаки билан боглик.

Хозирги кунда Ўзбекистонда ўн олтита диний конфессия уюшмалари фаолият юритмок да. Улар нинг бир кисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, уларга ўз диний маросимларини

ўтказиш
ва
мамлакат
хаётида
фаол
иштирок
этиш
учун
барча
шарт-шароитлар
яратилган.
Бу
борадаги
хукукий
асослар,
яъни
“Виждон
эркинлиги
ва
диний
ташкилотлар
тўгрисида”
деган
Конун
билан
Ўзбекистон
Республикаси
Конституциясида
мустахкамлаб
кўйилган.

Тарихан маълумки, Бухорода ахлокка катта эътибор билан карашган. Юксак инсоний ф
азилат – инсонни
миллатидан
катъи
назар
барча
мавжудотларнинг
савари
сифатида
кадрлаш,
маънавий
каомлот
ва

етуклик,
адолат,
инсоф,
диёнат
ва
имон
каби
сифатлар
тирикликнинг
бош
мазмуни
сифатида
тушунилган.

Бухоро кадимдан этник ва диний багрикенгликнинг ўзига хос худуди бўлган. Хозирги ва
ктда
вохада
турли
этник
гурухлар
ва
диний
жамоалар
тинч-тотув
яшаб
келмокдалар.
Хакикатан
хам,
турли
этнослар
ва
динларга
мансуб
одамлар
ўртасидаги
алока,
муносабат,
мулокот,
бахс-мунозара
ва
музокаралар
мухим
ўрин
тутишига

эътибор
каратиш
зарур.
Чунки
миллатлараро
тотувлик
ва
бирдамликка
эришишнинг
асосий
йўли
миллий
ва
умуминсоний
кадриятлар
ахамиятини
ривожлантириш
ва
мустахкамлашдир
[2]
.

Бухоро вилоятида турли миллат ва элат вакиллари ўзаро хамжихатликда, тинч-тотув ва ахил
яшаб
келишмокда.
Уларнинг
ўз
миллий
кадриятларини
асраб-авайлашлари,
бойитишлари
учун
хукуматимиз
томонидан
барча
шарт-шароитлар
яратилган.
Зеро,
инсонлар
орасидаги
ўзаро
хурмат
мухити,

улар
кайси
тилда
сўзлашишидан
катъи
назар,
Ўзбекистон
деб
аталган
умумий
уйимизда
хукм
сураётган
тинчлик,
баркарорлик
ва
осойишталикнинг
энг
мухим
асоси
ва
гарови
бўлиб
хизмат
килмокда
[3]
.

Миллатлараро тотувлик ва хамжихатлик – умумбашарий кадрият. У муайян жамиятда я шаб,
ягона
максад
йўлида
мехнат
килаётган
турли
миллат
ва
элат
вакиллари
ахиллигининг
маънавий
асосини
мустахкамлайди,

шу худуддаги тинчлик ва баркарорликнинг, тараккиётнинг кафолати бўлиб хизмат килади.

Мамлакатимизда фукаролар хамжихатлиги ва миллатлараро тотувликни мустахкамлашга кўмаклашиш максадида юкорида кайд этганимиздек, 1989 йилдан дастлабки миллий маданий марказлар тузилди. Бу марказларнинг чинакам ривожланиш ва равнак топиши Ўзбекистон мустакилликка эришганидан кейин бошланди. Миллий-маданий марказлар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1992

йил
13
январдаги
карори
билан
ташкил
этилган
Республика
байналмилал
маданият
маркази
мувофиклаштиради.
Ўзбекистон
мустакиллиги
уларнинг
самарали
фаолият
юритиши
учун
кенг
имкониятларни
яратиб
берди.

Бухоро вилоятида хам арман миллий-маданий маркази, Бухоро яхудийлари “Шалом” мад
аний
маркази,
Ўзбекистон
немислари
“Видергебург”
маданий
маркази,
Республика
“Светлица
Польска”
поляк
маданий
марказининг
вилоят
филиали,
рус
маданий
маркази,
“Офтоби

Сўгдиён” тожик-форс миллий-маданий маркази, татар-бошкирд миллий-маданий маркази, туркман миллий-маданий маркази, Бухоро шахар корейс миллий-маданий маркази, Бухоро шахар турк миллий-маданий марказлари ташкил этилган. Бугунги кунда ушбу миллий-маданий марказларнинг ўзига хос иш юритиш жихатлари ва ўз олдига кўйган максади белгиланган. Уларнинг асосий вазифаси мамлакатимизда фукаролар хамжихатлиги ва миллатлараро тотувликни мустахкамлашга

кўмаклашишдир.

**Рус миллий-маданий маркази.** Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар орасида марказнинг ўрни ва роли бенихоя катта хисобланади. Маълумки, маъмурий-буйрукбозлик тизими, якка хокимлик мафкураси шароитида рус миллати хам ўз маънавий-маърифий асосларидан айрилишда катор салбий холатларга дуч келди. Тоталитар тузум шароитида рус миллий маданиятида хам бошка катор халклар маданиятидаги каби жиддий

сиёсийлашув рўй берди. Якка хокимлик мафкурасини ўзида ифода этувчи синфийлик, партиявийлик тамойиллари туфайли рус миллий маданиятида хам йўкотишлар содир бўлди. Албатта, собик шўролар даврида рус маданияти бошка халклар маданиятига нисбатан илгор ва устивор даражада ривож топди. Бирок, бундай маданият шўролар хукмронлиги даврида ривожланишда нисбатан кўпрок йўкотди,

ўзининг миллий, айникса диний заминидан айрила бошлади. Бошкача сўз билан айтганда, Рус маданияти бошига тушган кулфатлар бошка миллий маданиятлар даражаси билан хамоханг эди.

Шундай шароитда рус миллий-маданий марказининг ташкил этилиши ва унинг миллий ка дриятларни тиклаш борасида олиб борган фаолияти максадга мувофик эди. 1994-1995 йилларнинг ўзидагина рус миллий-маданий маркази 192 та турли тадбирлар

ўтказди. Буларнинг ичида А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, А. С. Грибоедов, С. Есенин, И. А. Бунин каби рус адабиётининг атокли ва йирик арбобларига багишлаб ўтказилган тадбирлар айникса кизикарли бўлди [4].

Рус миллий-маданий марказлари мамлакатимизнинг барча худуд-ларида кенг фаолият юргизмокда. Хусусан, Наманган вилоятида шундай марказлардан бири 1994 йил 27 июнда ташкил топди. Бу вилоятда 20 мингга якин рус

миллати
вакиллари
яшаб,
улар
халк
хўжалиги
ва
маданий
сохaнинг
барча
жабхаларида
мехнат
килмокдалар.
Киска
вакт
мобайнида
маданий
марказнинг
вилоят
бўлими
томонидан
катор
амалий
тадбирлари
ўтказилди.
Чунончи,
рус
фольклор
ансамблининг
чикишлари
айникса
фукароларга
манзур
бўлмокда.
Наманган
шахридаги
“Шаршара”
хамда
“Охунбобоев”
номли
махаллаларда
турли
миллат
вакилларининг
ахилликда
яшаши

ва биргаликда мехнат килишига кўп жихатдан миллий-маданий марказлар самарали хисса кўшмокдалар.

Рус миллий-маданий маркази томонидан Республикамизнинг турли худудларида уюштир илган п рофессионал ва бадиий хаваскорлик тўга-ракларининг тадбирлари хамда кўргазмаларини алохида кайд этиш лозим. Хусусан, Мустакиллик куни, Конституция куни, Наврўз байрами ва бошка тадбирларда фаол иштирок этишлари шулар жумласидандир.

Бухоро вилоятида хам рус миллий-маданий маркази ўз низомида белгиланган барча йўн алишлар бўйича фаолият юргизмокда. 2003 йилда бу марказ томонидан катта ишлар амалга оширилган. Вилоятда рус тилида сўзловчи ахоли ўртасида рус тилини ривожлантириш сохасида маълум ишлар килинган. Россия федерациясидан 1500 дан ортик ўрта мактаб ўкувчилари учун дарсликлар, рус адабиёти бўйича 5 – 9 синфлар учун 25 комплектдан иборат

аудиокассеталар, хар бир комплект 26 та кассетадан иборат холатда юборилган.

Ўкитувчиларнинг услубий махоратини ошириш максадида тўрт ўкитувчи Омск давлат ун иверситети курсларига юборилган. Тўртта ўкувчи Москвадаги лагерда дам олишга жўнатилган. Мактаб ўкувчиси Россия бўйлаб саёхатга бориб келган.

Марказнинг бадиий хаваскорлари “Наврўз” ва “Мустакиллик куни” байрамларида фаол катнашадилар. Бундан ташкари, Рус миллий байрамлари, шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кунлари

нишонланади.

Рус миллий-маданий маркази 2003 йилда 33 та ўз аъзоларини соглигини тиклаш учун “С итораи Мохи Хосса” санаторийсига бепул даволанишларини ташкил килган, 84 та марказ аъзосига моддий ёрдам берилган [5].

Марказ томонидан Гиждувон шахридаги “Мехрибонлик уйи” га инсонпарварлик ёрдами ташкил килиб турилади. Бундай ёрдамлар Россия чет эл маркази вакиллари ва Православ Епархияси томонидан уюштирилади. Мехрибонлик уйи болалари хам дарсликлар,

ўкув
кўлланмалари
билан
таъминланиб
турилади.

Хулоса килиб айтганда, вилоятимизда рус миллий-маданий маркази олиб бораётган ишл
ар
дикkатга
сазовор
ва
кенг
жамоатчилик
бундан
хабардор.

**Яхудий миллий-маданий маркази.** 1989 йилги ахоли рўйхатига кўра Ўзбекистонда 283
69
Ўрта
Осиё
яхудийлари
бўлиб,
улардан
4220
таси
Бухоро
шахрида,
5427
киши
эса
Бутун
Бухоро
вилоятида
истикомат
килади.

Кейинги йилларда яхудийлар хаётида анчагина ижобий ўзгаришлар содир бўлди. 1987
йилнинг
ноябрь
ойида

Ўзбекистон ёзувчилар иттифоки кошида Бухоро яхудий ёзувчиларининг шўъбаси кайта тикланади. 1989 йил июнда эса Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат адабиёт музейида уларнинг асарлари экспозицияси очилади. 1989 йил октябрда Тошкентда Ўзбекистон Маданият мин и стрлиги кошида Бухоро яхудийларининг “Неккадам” эксперементал театр студияси очилади. 1990 йилда Тошкентда

Бухоро яхудий маданий маркази ташкил килинади. Бундай маданий марказлар Душанбе, Самаркандда хам очилган эди [6]. Бухоро яхудийларининг **Самарканд** маданий маркази 1992 йил январдан “Шофир” деб номланган ойлик газетасини чикара бошлайди.

Бухоронинг ўзида яхудийлар маданий маркази “Шалом” 1990 йил бахорида ташкил топади. Шу йилнинг 5 апрелида таъсис конференцияси бўлади, 24 апрелда марказ

шахар
ижро
и
я
кўмитаси
томо
нидан
расмий
рўйхатдан
ўтказилади.
1992
йил
сентябрда
Ўзбекистон
“Жамоат
бирлаш-малари
тўгрисида” ги
Конунига
мувофик
марказ
вилоят
хокимлиги
юстиция
бошкармасидан
рўйхатдан
ўтади
ва
тегишли
гувохнома
олади.

Бухорода  маданий марказнинг ташаббускори ва фаол ташкилотчиси Авкун Ашурович Ё кубов.
Бу
инсоннинг
мехнат
йўли
жуда
кизикарли.
У
Тошкент
Халк
хўжалиги
институтини

тугатиб,
30
йиллардан
буён
молия
органларида
ишламокда.
Ўз
ишининг
тажрибали
мутахассиси.
У
Республика
Давлат
сугуртаси
бошлиги
ўринбосари, вилоят
ижтимоий таъминот
бошкармаси
бошлиги
ўринбосари,
20
йилдан
ошикрок
Ўзбекситон
Молия
вазирлигининг
вилоят
тафтиш
бошкармасида
рахбарлик
килган
[7]
.

А. А. Ёкубов Бухоро яхудий маркази раиси этиб сайланганидан сўнг, марказнинг асосий максад
ва
вазифалари
куйидагилар
деб
хисобланди:

- Бухоро яхудийлари тарихи ва маданиятини ўрганиш ва кенг ташвик этиш;

- миллий санъатни, байрамлар, анъаналар, урф-одатлар, маро-симларни тиклаш;

- миллий ва жахон маданияти бойликларидан бахраманд бўлиш;

- ёшларга ахлокий тарбия бериш, уларни барча халклар ва уларнинг маданиятини хурма т кил иш рухида тарбиялаш;

- ёшларда фукаролик жавобгарлигини шакллантириш;

Бу жамоат ташкилоти киска муддатда Бухоро яхудий жамоасини ягона марказ остида б ирлаштира олди. 1992 йил май ойида А. А. Ёкубов марказ фаолияти хакида ахборот берди. Бунда икки йил ичида ташкилотнинг моддий базаси мустахкамланганлигини маълум

килади. Иврит тилини ўрганиш, байрамлар ва маросимларни ўтказиш учун 30 стол, 50 та парта, 100 та стул, ўкув доскалари сотиб олинган. Яхудий ёзувчиларининг рус ва иврит тилида яратган асарлари кутубхонаси ташкил килинган. Марказ иврит тилини ўрганиш бўйича катта сондаги ўкув кўлланмалари билан таъминланган. Халк демократик партияси

номи билан марказ учун ажратилган турар жой биноси таъмирланган ва уй жихозлари билан таъминланган.

Хафтада 5 кун 130 – 150 болалардан иборат 6 та гурухда иврит тили бепул ўргатилиши ташкил этилган. Бундан ташкари катта ёшлилар учун иврит ва инглиз тилини ўрганишнинг кечки курсларида 40 – 60 киши ўкимокда.

Миллий урф-одат, анъана, байрам ва маросимларни тиклаш хамда турмушга тадбик эти ш с охасида катта ишлар килинган. Масалан, 1991 йил

15
сентябрда
32
ўсмир
13
ёшни
каршилаган
и
муносабати
билан
маросим
ўтказилди.
Бу
маросимга
Иерусалим
бош
раввини
Давид
Нисанов
ва
Изроил
диний
жамоалари
арбоблари
Авраам
Бадиев
ва
Беньямин
Гулкаровлар
таклиф
этилган.

1991 йил 8 декабрда Хануко байрами ўтказилади [8] .  Бу байрам икки минг йил илгари
содир
бўлган
вокеалар,
я
ъ
ни
макавсевлар
жасоратига
багишланган
бўлиб,
бунда

виждон
эркинлиги
ва
эътикод,
диний
маросим
ларни
ўтказишга
эришилгани
хакидаги
мулохазалар
билдирилган.
Байрамда
Тўхфа
Тинхасова
рахбарлигидаги
“Нозанин”
фольклор
ансамбли
концерти
билан
катнашади.

Маданий марказ ташаббуси билан Пурим байрами арафасида вилоят ва шахар ижроия
кўмитаси
саъй-харакати
билан
Бухорода
янги
иккинчи
синагога
очилади.
Бу
синагога
биринчи,
илгариги
синагога
ўрнида
ташкил
этилган
эди.
Пурим
байрами
шарафига

Нью-Йоркдаги “Джайн” жамияти 17 та кам таъминланган шахсларга моддий ёрдам беради ва 11 та ўкувчи аъло ўкиши учун пул мукофоти билан такдирланган.

1992 йил 18 – 20 февралда Бухорога Изроил элчиси Арье Левин ташрифи мухим вокеага айланган эди. Элчи Бухоро яхудийлари хаёти ва турмуши билан танишиб, марказга хам мехмон бўлган.

Яхудий халкининг асосий байрами Песах ( Пахса) бўлиб, 1992 йил 22 апрелда бу марказдани

шонланган. Бу байрамда Изроил мамлакатидан хам мехмонлар таклиф килинган. 1992 йил маданий марказ учун жуда мазмунли йил бўлган. Шу йили Тошкентдаги “Сохнут” хайрия ташкилоти билан хамкорликда тадбирлар ўтказилган [9]. Масалан: Тошкент шахрида бухоролик талабалар билан учрашув ва хоказолар.

Ок-тош дам олиш уйига кам таъминланган оилалар болалари марказ маблаги хисобидан юборилган. 1992 йил

майда
маданий
марказ
Изроил
давлати
мустакиллигига
багишланган
кўргазма
ўтказди.
Юкорида
ўтказилган
кўпгина
тадбирлар
Швейцариянинг
Цюрих
шахридаги
“Вешикентам”
жамияти
моддий
ёрдами
хисобига
ўтказилганини
А. А. Ёкубов
алохида
таъкидлайди.

Яхудий маркази бошка миллий-маданий марказлар билан биргаликда тадбирлар ўтка
зишни
режалаштирган.
Ўзбекистон
Мустакиллик
байрамида
тожик
маркази
билан
биргаликда
дастур
тузиб
чикиши
бунга
мисол
бўла
олади.

Ўрта Осиёнинг туб ахолиси бўлган яхудийлар тарихида ўз тадкикотчиларини кутиб турган “Ок доглар” талайгина. Миллий-маданий марказ фаолиятига таяниб, бир ярим минг йил аввал Ўрта Осиёга келиб колган яхудийларнинг шу кунга кадар яшаб, Ўрта Осиё халклари маданиятига ўзларининг умумий улушларини фаол кўшиб келаёт-ганлигини, уларсиз Ўрта Осиё тарихини тасаввур килиш кийинлигини аниклаш мумкин [10].

Бухоро яхудийлари хакидаги маълумотларни объектив ўрганиш, ёзиш ва нашр этиш ишлари мустакил Ўзбекистон шароитида амалга оширила бошланди.

**Немис миллий-маданий маркази.** “Халклар дохийси” Сталин бошкарган тоталитар тузу мнинг 30-йиллардаги катагони Волга бўйи минтакасидаги тинч мехнат билан шугуллаёнаётган немис миллатига мансуб ахолини хам четлаб ўтмади.

Ўн минглаб немис оилалари асрлар бўйи яшаб келган жойидан анча олис юртларга – Ўрта Осиё ре спубликаларига сургун килинди.

Уларнинг авлодлари хозирги кунда хам эндиликда мустакилликка эришган минтака мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда яшаб келишмокда.

Тошкент, Самарканд, Фаргона ва Бухоро вилоятларида махаллий немисларнинг миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатаяпти. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган “Видергебурт” (“Тикланиш”) немис миллий-маданий маркази рахбари Ольга Мейер бу тўгрида шундай хикоя килади:

- маркazимиз 1995 йилнинг январь ойида рўйхатдан ўтган

[11]
.
Биз
ўз
олдимизга
ўтроклашиб
колган
махаллий
немис
ахолисининг
бошларини
бирлаштириб,
авлодларимиз
анъаналарини,
урф-одатлари,
кадриятлари,
санъат
ва
маданиятини
тиклашни
максад
килиб
кўйганмиз.
Бу
йўналишда
муайян
ишларни
амалга
ошириб
улгурдик
хам.

Вилоятимизда яшаётган немис миллатига мансуб фукаролар, гарчи кўпчиликни ташкил
килишмасада,
шароит,
такдир
такозоси
билан
ўз
она
тилларини
унутишган.
Бу
шўроларнинг

огизда
байналминалу
амалда
“руслаштириш”
сиёсатининг
аянчли
махсулидир.
Марказ
ана
шу
кемтикни
йўкотиш
учун
мана
бир
неча
йилдирки,
немис
тилини
ўрганишни
истаган
миллатдошлар
учун
махсус
ўкув
курслари
ташкил
килган.
Унда
ўкиш
бепул
бўлгани
учун
нафакат
немис,
балки
вилоятимизда
истикомат
килаётган
бошка
миллат
вакиллари
хам
ихтиёрий
равишда
келиб,

немис тилидан сабок олишмокда. Немис тили дарсликлари, газета-журналлари, ўкув куроллари, видеокассеталарни марказга Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси тухфа килган [12].

Марказ  кошида “Вассервал” ёшлар клуби хам иш олиб бормокда. Бу клуб аъзолари немис санъати ва маданиятини чукур ўрганишга ахд килган. Махаллий немис ёшларидан иборат чогроккина ансамбль вилоятимиз марказида ўтказилаётган Наврўз, Мустакиллик байрамлари тантаналарида иштирок этмокда.

2001
йил
мартда
Козогистоннинг
Тараз
шахрида
Марказий
Осиё
мамлакатларида
фаолият
кўрсатаётган
18
та
миллий-маданий
марказларнинг
ёшлар
фестивали
ўтказилди.
Марказ
вакиллари
бўлмиш
“Вассервал”
ёшлар
клуби
ушбу
нуфузли
кўрик-танловда
фахрли
иккинчи
ўринни
эгаллади.

Германиянинг расмий идоралари билан бир каторда кўплаб жамоатчилик ташкилотлари хам
Ўзбекистоннинг
бир
гўшаси – Бухорои Шарифда
миллатдошларининг
миллий-маданий
маркази
фаолият кўрса-таётганидан
хабардор.
Улар
турли

масалаларда
марказ
билан
хамкорлик
килишга
тайёр.

Германия Бундестагининг масъул ходими Дитмар Шлее марказга мурожаат килиб, икки
нчи
жахон
урушида
асир
тушганлар
такдири
билан
шугулланиш,
уруш
йиллари
Бухорода
хам
немис
асирлари
бўлган-бўлмаганлиги,
бўлган
бўлса,
уларнинг
кейинги
такдири
кандай
кечгани
хакида
маълумот
сўради.
Махаллий
идоралар
кўмагида
изланишларимиз
бекор
кетмади.
Хакикатдан
хам
Когон
шахридаги
харбий

госпиталда
немис
харбий
асирлари
бўлган
экан.
Лекин
уларнинг
кейинги
такдири
аянчли
якунланган.
Негадир
уларнинг
барчаси,
жами
54
нафар
асир
Москванинг
буйруги
билан
Германия
капитуляцияга
кўл
кўйган
кундаёк
отиб
ташланган
экан
[13]
.

Биз уларнинг оммавий равишда катл этилган ва кўмилган мозорини аникладик, хатто ул
арнинг
шахсига
оид
маълумотларни
излаб
топишга
муваффак
бўлдик.

Марказ вилоятимиз иктисодиётини ривожлантириш учун Германия инвестициясини кир итиш йўлида хам иш олиб бораяпти. Корхоналар, ишбилармон ва тадбиркорлар таклифларини ўрганиб, Германиянинг жахонга машхур фирма ва концернлари билан хамкорлик алокаларини ўрнатишга кўмаклашилмокда. Германиянинг Марказий Осиё мамла-катларига инсонпарварлик ташкилоти (штаби Алматида жойлашган) билан алокалари яхши йўлга кўйилган [14].

**Поляк миллий-маданий маркази.** Республикамизда фаолият юргизаётган “Светлица Польска” маданий

маркази 2001 йил 3 майда Бухорода ўз бўлимини очди [15].

Поляк маданий маркази кўнгилли жамоа бирлашмаси бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида яшовчи поляк фукаролари ва Польшага хайрихох бўлганлар аъзо бўладилар.

Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасига мувофик амалга оширади, хамда бирлашма уставига эга. Бундан ташкари марказ “Инсон хукуклари умумжахон декларацияси” га асосланиб фаолият юргизади ва ўз ишини Ўзбекистонда

яшаётган
барча
халклар
миллий
хиссиётини
ва
анъаналарини
хурмат
килиш
асосида
ташкил
этган.

Хозирги кунда Бухоро шахрида 200 га якин поляклар яшайди. Марказ рахбари Елена Зу бович,
1968
йилда
Нукусда
тугилган,
отаси
поляк,
онаси
татар,
1991
йилдан
буён
Бухорода
яшайди.

Елена поляк диаспорасининг 20 га якин аъзолари борлигини ва улар таркиби турли ми ллатлардан
эканлигини
айтди.
2000
йилда
уларнинг
аъзоси
60 та
бўлган.
Буларнинг
кўпчилиги
Россия

ва
Украина
шахарларига
кўчиб
келганлар.
Диаспоранинг
миллий
ансамбли
тузилган,
бирок
унда
иштирок
этувчилар
хар
хил
ёшдагилар
бўлгани
учун
махсус
ном
кўйилмаган.
Вилоят
микёсида
марказ
иккита
катта
байрамни
нишонлайди.
Булар
республикамизнинг
Мустакиллик
куни
ва
Наврўз
байрамларидир.
“Светлиса
Польска”
марказининг
ўзига
хос
миллий
байрамлари
факат
ўз
жамоалари
ўртасида

нишонланади. Хусусан, 1791 йил 3 майни Польша биринчи Конституцияси кабул килинган кун, 1918 йил 11 ноябрни Польша Мустакилликни кўлга киритган кун сифатида нишонланади. Бундан ташкари диаспора ичида иккита диний байрамларини хам нишонлаш урфга кирган. Хар йили 25 декабрда рождество, апрелнинг иккинчи ярми ва май ойининг биринчи ўн кунлигида

пахса байрамларини ўтказадилар.

Поляк тилини ўргатувчи махсус мактаблар йўк. Бирок, шахарда 2003 йил сентябрида н поляк кат олик черкови попи Войчех Кардас яшаб келмокда, шу черковда тилни ўрганиш ташкил килинган.

Иккинчи жахон уруши муносабати билан Бухоро вилоятида кўплаб поляклар кўчириб ке линган. Булар Жондор, Пешку, Гиждувон туманларида яшаганлар. Хозирги кунда полякларнинг кўпчилиги ўзбеклашиб кетган, поляк кизлари ўзбек, тожикларга турмушга чикиб, уларнинг болалари

ўзбекона миллий урф-одатларни кабул килиб олишган. Бирок бу холатни тескарисини хам учратишимиз хам мумкин. Марказнинг фаолиятига махаллий бошкарув органлари якиндан туриб ёрдам берадилар. Буни марказ рахбари алохида кайд этди.

**Татар-бошкирд миллий-маданий маркази.** 2002 йилда вилоятимизда 15 мингга якин, жумладан, Бухоро шахрида 8 мингдан зиёд татар-бошкирдлар истикомат килишган. Бу миллий-маданий марказ раиси Глум

Гибадуллин, - “биз
ўзбек,
тожик,
рус
ва
бошка
миллат
вакиллари
билан
ягона
оила
фарзандларидек
тинч-тотув
яшаш,
мехнат
килиш
билан
бирга
татар-бошкирд
халкларининг
тарихи
ва
тилини
фарзандларимизга
астойдил
ўргатмокдамиз,
миллий
кадриятларимизни
кўз
корачигидек
асраб-авайламокдамиз.
Ана
шу
эзгу
максадларни
амалга
оширишда
вилоят
ва
шахар
хокимликлари,
шунингдек,
“Пахтасаноат”
хиссадорлик
жамияти
каби

хомий ташкилотлар бизга кўмакдош бўлмокдалар” [16] .

**Турк миллий-маданий маркази.** Турк миллий маркази 1991 йил 27 июнда ташкил этилади. Бухоро шахар Ижроия кўмитаси Юстиция бошкармаси томонидан 1992 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилган. Марказни Шахриев Камал Сулейманович бошкаради. Марказ Туркия давлати билан алокада. Турклар урф-одатлари ва анъаналарини, миллий кўшик ва раксларини тиклашни максад килиб

кўйишган. Марказ туркларнинг миллий байрамларини ўтказади. Кўпгина ёш турклар ўзларининг миллий урф-одатларини ўрганиш максадида марказга тез-тез келишади. Миллий кўшик ва ракстарини ўрганишади. Марказ вилоятдаги бошка миллий марказлар билан хам хамкорлик килади. Бухоро шахридаги Рикова кўчасида марказ фаолият кўрсатади.

**“Офтоби сўгдиён” миллий-маданий маркази.** Мамлакатимизда миллатлараро тотувли книнг та комиллашувига ўзи-нинг муносиб

хиссасини
кўшиб
келаётган
миллий-маданий
марказлардан
бири
бу
“Ориёно” – тожик
миллий-маданий
марказидир.
Бу
марказ
Тошкентда
1990
йил
8
июнда
ташкил
этилган.
Марказ
киска
вакт
ичида
мустакиллигимизни
мустахкамлаш,
миллатлараро
баркарорликни
таъмин-лаш
йўлида
жуда
кўплаб
ишларни
амалга
оширди.
Марказнинг
асосий
максади – тожик
маданияти,
тили,
урф-одатларини
саклаб
колиш,
уларни
ривожлантириш
хамда
бошка

кардош
халклар
маданиятини
ўрганишдан
иборат
[17]
.

Хозирги кунда Ўзбекистонда бир миллиондан ортик тожиклар истикомат киладилар ва
бошка
миллат
вакиллари
сингари
улар
хам
Ўзбекистонда
буюк
мустакил
давлат
куриш
ишларида
фаол
иштирок
этмокдалар.
1990 – 1997
йиллар
мобайнида
марказнинг
учта
конферен-цияси
бўлиб
ўтди.

Конференцияларда “Ориёна” миллий-маданий марказининг рахбар органлари сайлан
ди. М
арказнинг
биринчи
раиси
бўлиб
таникли
журналист
тилчи

олим М ухсин Умаров сайланган эди.

“Ориёно” миллий-маданий маркази ташкил килингандан буёги хар йили Халклар дўстлиг и майд онида Наврўз, Мустакиллик куни, Конституция куни байрамларида фаол иштирок этмокдалар. Марказ ўз фаолияти давомида ўзбек, рус ва тожик тилларида бир неча китоблар нашр этди.

Тожикларнинг “Ориёна” миллий-маданий маркази тожик тилида чикаётган “Овози тожик” газет аси м ухарририяти билан Республика телерадиокомпанияси тожик

бўлими
“Рангин
камон” лар
билан
хамкорликда
иш
юритмокда.

Бундан ташкари марказининг килаётган ишлари республикамизда чикаётган “Овози тож
ик”,
“Народное
слова”,
“Правда
Востока”,
“Спорт”,
“Ўзбекистон
овози”,
“Тошкент
окшоми”,
“Бирлик”
ва
“Единство”
каби
кўпгина
рўзнома
ва
журналларда
ёритиб
борилмокда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда истикомат килаётган бир миллиондан ортик тожик милл
атига
мансуб
халкнинг
бугунги,
эртанги
ва
келаждаги
миллий
равнаки
учун
мамлакатимизда

барча
шарт-шароитлар
мавжуд.

Тожиклар хам ўз навбатида “Туркистон умумий уйимиз” шиори остида Ўзбекистоннинг т инч,
осойишта,
миллатлараро
баркарорлик
асносида
ривожланиши
учун
ўзларининг
барча
гайратларини
сарфламокдалар.

Халк депутатлари Бухоро шахар ижроия комитетининг 1989 йил 28 декабрдаги карори билан
тожик-форс
маданият
маркази
тузилган.
1990
йил
январда
вилоят
марказидаги
“Билимлар”
уйида
марказнинг
таъсис
йигилиши
бўлиб
ўтади.
Унда
Бухоро
шахрида
“Офтоби
Сўгдиён” – “Солнце
Сагдиана”
номи

билан
аталувчи
тожик-форс
маданият
маркази
ташкил
этилганлиги
хакида
хабар
килинади
[18]
.

Йигилганларга 23 пунктдан иборат янги марказ фаолиятининг дастури хавола этилди. Республикамизнинг
бошка
шахарларида
фаолият
кўрсатаётган
ана
шундай
марказлар
билан
алока
ўрнатиш,
марказ
хузурида
санъат
ва
адабиёт,
тарихий
этнографик
музей,
кутубхона,
тўй,
дафн
хизмати
каби
секцияларни
ташкил
этиш,
форс
тилида
ижод

килаётган
хамшахарларимизнинг
бой
меросини
ўрганиш,
“Сайли
гули
сурх”
каби
кадимий
халк
байрамини
тиклаш,
Бухоро
вилоятининг
тожик
тилида
сўзлашувчи
ахоли
гуж
яшайдиган
кишлоклари
хакикий
харитасини
яратиш
максадида
социологик
тадкикотлар
ўтказиш,
марказ
хузурида
ташвикот
гурухлари
ишини
йўлга
кўйиш,
марказ
барча
аъзоларини
архитектура
ёдгорликларини
тиклаш
ва
таъмирлаш,
вилоят
марказидаги

кадимий
кўчалар
номини
тиклаш
ишларига
фаол
жалб
этиш
марказнинг
асосий
вазифаларидан
биридир.
Таъсис
йигилишида
марказ
кенгаши
сайланди.
Унинг
таркибига
турли
касб
эгалари
бўлган
11
киши
кирган.
Шахар
тожик-форс
маданият
марказининг
раиси
этиб
телевидения
ва
радиоэшиттириш
область
комитетининг
раиси
А. Шукуров
сайланди.

Эндиликда тожик тилида сўзлашувчи вилоят маркази ахолиси кўп йиллар мобайнида тў
планиб
колган

муаммоларни бартараф этиш, кемтик ўринларни тўлдириш имконига эга бўлдилар. Жумладан, тожик адабиёти кутубхонасининг очилиши кутубхоналарда форс-тожик адабиёти классик-ларининг, хозирги замон шоир ва ёзувчиларининг ижоди билан танишишга кенг йўл очди. Шунингдек, тожик фольклор-этнографик ансамбли кадимий кўшикларини таргиб килади [19].

Бу марказ Бухорода корейс маданий-марказидан сўнг ташкил этилган иккинчи марказ эди.
Йигилишда бундан

кейин татар, немис, Шимолий Кавказ ва Кавказ орти республикалари халклари марказлари ташкил этилса, нур устига аъло нур бўлар эди, - деган фикрлар айтилган эди.

2002 йилнинг апрель ойида Бухоро Осиё ва Тинч океани минтакасида “Шахарлар тинчлик учун” халкаро ЮНЕСКО мукофотига сазовор бўлди. Мазкур халкаро мукофот 1996 йилда таъсис этилган бўлиб, хар икки йилда бир марта

танлов асосида дунёнинг бешта минтакасидан бешта шахарга такдим этилади. Бухоро ЮНЕСКОнинг ушбу мукофотига шахардаги табиат, тарихий обидаларни саклаш ва кайта тиклаш, шунингдек, бирдамликни мустахкамлаш, турли миллатлар ва диний жамоалар ўртасида ўзаро хамжихатликни мустахкамлаш йўлидаги саъй-харакатлари эвазига эришган эди [20].

2010 йил 23 апрель куни Бухоро шахридаги Абу Али ибн Сино маданият саройида мамл акатимиз мустакиллигининг

20 йиллигига багишлаб “Ўзбекистон – умумий уйимиз” мавзусида ўтказилган дўстлик ва маданият фестивалида вилоятдаги барча миллий-маданий марказлар вакиллари ўзларининг кўргазмали чикишлари билан иштирок этдилар.

Айтиш жоизки, хозир вилоятда 70 га якин миллат ва элат вакиллари истикомат килаяпти. Улар халк хўжалигининг турли сохаларида самарали мехнат килиб, она-Ватанимиз равнакига хисса кўшаяптилар. Фестивал доирасида ўтказилган “Биз – ягона Ватан фарзандларимиз” мавзуидаги семинарда

шулар хакида сўз борди. Бу эса вилоятимизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари эъзозланаётгани, бу борада миллий-маданий марказларнинг миллий кадриятларни тиклаш, бойитиш йўлида имкониятлар эшигини очувчи маскан сифатида самарали фаолият юритаётганидан далолат беради.

---

[1] Багрикенглик тамойиллари Декларацияси. 1995 йил 16 ноябрь, Париж.

[2] Курбонова М. Б. Бухоро вохаси миллатларо багрикенглки ўлкаси. // Модернизация, инновацион тараккиёт ва толерантлик ривожи истикболлари. Республика илмий

конференция материаллари тўплами. 3-китоб. Т., 2010. – Б. 5.

[3] Истам Иброхимов. Ўзбекистон – умумий уйиимз. / www.buxoro.uz/news.php интернет сайтидан олинган.

[4] Мусаев Д. О. Миллий сиёсат ва миллий-маданий марказлар. //Мустакил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сахифалари. (Даврий тўплам). № 3. – Б. 155-156.

[5] Бухоро вилояти рус миллий-маданий маркази раиси О. Овчинниковнинг 7 январь 2004 йилги 1-сон. Бухоро вилоят юстиция бошкармасига берган ахборотидан.

[6] Альмеев Р. Бухарские евреи (историко-культурный очерк). Бухара, 1998. – С. 81.

[7] Рахматова С. Яхудий маданий маркази тузилди. / Бухоро хакикати. 1990. 14 апрель, - Б. 3.

[8] Юхан Бен Ямин. День после Ханука, Рамадана и Крисмаса. 2001. Эта статъя опубликована на сайте Bjews.com http//www. Bukharian jews. com

[9] Юхан Бен Ямин. День после Ханука, Рамадана и Крисмаса. 2001. Эта статъя опубликована на сайте Bjews.com http//www. Bukharian jews. com

[10] Альмеев Р. Исследования и материалы по истории и этнографии бухарских евреев. Бухара . 1998. – С 2.

[11] Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятидан. “Видергебурт” хамкорликка чорлайди./ Бухороднома. 2001 йил, 11 апрель.

[12] Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятидан. “Видергебурт” хамкорликка чорлайди./ Бухоронома. 2001 йил, 11 апрель.

[13] Каримов Р. Миллий маданиятлар равнаки. Т., 1986. – Б. 56.

[14] Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятидан. “Видергебурт” хамкорликка чорлайди./ Бухоронома. 2001 йил, 11 апрель.

[15] Курбонова М. Б. Бухоро вохаси миллатларо багрикенглки ўлкаси. // Модернизация, инновацион тараккиёт ва толерантлик ривожи истикболлари. Республика илмий конференция материаллари тўплами. 3-китоб. Т., 2010. – Б. 6.

[16] Ахмедова С. “Сабантўй – 2002” кувончлари. / Бухоронома. 2002, 6 июль, № 27, - Б. 1.

[17] Кудратов А. Тожик маданият-маркази ташкил этилди. /Бухоро хакикати. 1990 йил. 6 январь.

[18] Кудратов А. Тожик маданият-маркази ташкил этилди. /Бухоро хакикати. 1990 йил. 6 январь.

[19] Каранг: А.Кудратов. тожик маданият-маркази ташкил этилди. Бухоро хакикати. 1990 йил. 6 январь, - Б. 3.

[20] Бухоро ЮНЕСКО мукофотига сазовор бўлди. // Халк сўзи. Т., 2002 йил 10 апрель. – Б. 1.

Зухра Мирзахамдамова